

## Қуръони Каримда келган хабарни инкор қилган одам кофир бўлади



20:40 / 27.08.2019 2989

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

Ва, батаҳқиқ, Биз Нуҳни қавмига расул қилиб юбордик. Бас, у улар ичида эллик йили кам минг йил турди. Сўнгра уларни золим бўлган ҳолларида тўфон олди (*Анкабут сураси, 14-оят*).

Нуҳ алайҳиссалом қавмларини тўққиз юз эллик йил давомида иймонга даъват қилдилар. Ул зотнинг пайғамбар бўлгунча ҳам, тўфон балосидан кейин ҳам яшаганлари эътиборга олинса, умрлари бундан ҳам узоқ кечгани ойдинлашади.

Бу ҳақда имом Жалолиддин Суютий ўзларининг «Ад-Дуррул Мансур фиттафсири бил маъсур» китобларида ибн Аббос розияллоҳу анҳудан

қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломни қирқ ёшлигида пайғамбар қилиб юборди. У ўз қавмини эллик йили кам минг йил Аллоҳга даъват қилди. Тўфондан кейин олтмиш йил яшади, ҳатто одамлар кўпайиб, кенг дунёни тор қилдилар».

Бир одамнинг минг йилдан ортиқ ҳаёт кечиргани кўпларга ғалати туюлиши мумкин. Лекин бу нарса инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Қуръони Каримда келган хабарни инкор қилган одам кофир бўлади. Айти чоғда, бу ҳол ақл тарозисида тортса бўладиган оддий бир иш. Қадимда кишиларнинг умрлари узун бўлгани ҳаммага маълум. Бунинг устига, оз сонли жонзотларнинг умри узун, адади кўпларники қисқа бўлиши ҳам тажрибада кўрилган. Нух алайҳиссалом инсоният тўфон туфайли қирилиб кетган бир даврда яшаганликлари эътиборга олинса, бундай узоқ умр кўриш оддий бир ҳол экани билинади.

Нух алайҳиссалом даврларидаги синов-имтиҳон Аллоҳ йўлига ҳеч кимнинг қадам босмай, туриб қолишидир.

Аллоҳнинг пайғамбари Нух алайҳиссалом турли йўллар билан тўққиз юз эллик йил даъват қилсалар ҳам, озгина одамдан бошқа ҳеч ким иймонга келмади. Бундай ҳолда кўплар синовга дош бера олмай, қайтиб кетиши ҳам мумкин. Аммо ҳақиқий иймон соҳиблари бутун дунё абадий кофир бўлиб ўтса ҳам, ўз иймонларидан қайтмайдилар. Нух алайҳиссаломнинг даврларида ҳам шундай бўлди. Нух алайҳиссалом ва у зотга иймон келтирганлар иймонларида собит қолдилар. Кофирларни эса шунча йиллар ўтса ҳам, ҳеч ким азобдан қутқариб қола олмади:

«...уларни золим бўлган ҳолларида тўфон олди».

Тўфон балоси уларни битта қўймай, ҳалок қилди. Нух алайҳиссалом ва у кишига иймон келтирганлар нажот топдилар.

**«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди.**